

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЖИМИРЗАЕВ ЭЛЁРБЕК АКРАМОВИЧ**

**XX АСРНИНГ 60–80-ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ  
ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Тажимирзаев Элёрбек Акрамович**

XX асрнинг 60–80-йилларида Фарғона водийси қишлоқлари  
аҳолисининг кундалик ҳаёти ..... 3

**Тажимирзаев Элёрбек Акрамович**

Повседневная жизнь сельского населения Ферганской долины в 60–80-  
е годы XX века ..... 25

**Tajimirzayev Elyorbek Akramovich**

Daily life of rural population of Ferghana valley in the 60-80s of XX  
century..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of publications ..... 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЖИМИРЗАЕВ ЭЛЁРБЕК АКРАМОВИЧ**

**XX АСРНИНГ 60–80-ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ  
ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tar100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://kengash.adu.uz/tarix/>) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санабар Базарбаевна  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Расулов Абдуллажон Нуриддинович  
тарих фанлари доктори, профессор

Камилов Абдусалим Абдуллаевич  
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Tar.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 13.01 кuni соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй, Андижон давлат университетининг Тарих факультети биноси, 1-қават, 108-хона). Тел.: (+99874) 225-73-21; факс: (+99874) 225-73-21; e-mail: agsu\_info@adu.uz. Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129-уй, АРМ биноси). Тел.: (+99874) 222-88-30; факс: (+99874) 222-88-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» октябрь кuni тарқатилди.  
(2020 йил «17» 07 даги 12 рақамли реестр баённомаси билан).



Р. Т. Шамсутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.О. Алихожиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

У. С. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кундаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар глобаллашув жараёнлари жадал ривожланаётганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатда инсоннинг кундалик ҳаёти йилдан-йилга ўзгариб боради ҳамда у фақат шаҳар ҳудудларида юз бермай, балки қишлоқ жойларда ҳам кузатилади. Қишлоқ ҳудудларига кириб келаётган ҳар бир янги технология ёки янги хизматлар аҳолининг кундалик ҳаётига таъсир этмай қолмайди. Мазкур ўзгаришларни ўрганишда ижтимоий фанларнинг янги тармоғи ҳисобланган кундалик ҳаёт тарихи муҳим аҳамият касб этади. Илмнинг бу йўналиши инсоннинг ҳар кунлик тарихини кўрсатиб бериб, умумий ёки мавҳум масалалардан аниқ ҳолатларни ўрганишга шароит яратади ҳамда тарихий жараёнларга холис кўз билан қараш имконини беради.

Кундалик ҳаёт тарихи янги илмий йўналишлардан бири бўлишига қарамай, бугунги кунда дунёнинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот институтларида мазкур йўналишда салмоқли илмий ишлар қилинмоқда. Германия, Франция, АҚШдаги гуманитар институтлари, Россия Фанлар академиясининг тарих институтидаги марказларда аҳоли барча қатламнинг ва ҳар бир касб эгаларининг кундалик ҳаёти тарихи тадқиқ этилмоқда. Мазкур тадқиқотларда асосан аҳолининг турмуш тарзи, уларнинг ҳаётига янги технологияларнинг кириб келиши, оилавий муносабатлар, тиббиёт ва маданият муассасаларининг аҳоли ҳаётида тутган ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир аҳолининг моддий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш, турмуш даражасини янада кўтаришга қаратилган давлат сиёсати юритилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда ҳудудларда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқ турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда<sup>1</sup>. “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир”<sup>2</sup>. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”<sup>3</sup> деган фикр илгари сурилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 25 январь 2020 йил. <http://uza.uz/oz/politics/o`zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 15.

унда юз берган ўзгаришлар тарихи бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуга оид тадқиқотларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) совет даври нашрлари; 2) мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар; 3) хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳга доир адабиётларни совет ҳокимияти йилларида яратилган тадқиқотлар ташкил этиб, уларнинг аксариятида қишлоқ аҳолисининг ҳаётига коммунистик партиянинг таъсири тавсифлаб ўтилган<sup>4</sup>. Мазкур тадқиқотларда қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги<sup>5</sup>, уй-жойлар қурилиши ва бу жараёнларнинг маҳаллий аҳоли кундалик ҳаётида тутган ўрни<sup>6</sup> ҳамда кундалик ҳаётнинг айрим ижтимоий масалалари<sup>7</sup> ёритиб ўтилган.

Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар кириб, мавзуга оид бир қатор илмий ишлар чоп этилди. Хусусан, охириги йилларда кундалик ҳаёт масалаларини тадқиқ этиш тарихи, тадқиқот методологияси ва усулларига доир илмий тадқиқотлар юзага келди<sup>8</sup>. О. Бегматов<sup>9</sup>, Р. Шамсутдинов<sup>10</sup>, А. Мавруловларнинг<sup>11</sup> тадқиқотларида қишлоқ

<sup>4</sup> Джуманиязов Р. Социально-экономическому планированию на селе – партийную заботу. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – 47 с; Джуманиязов Р. Партийное руководство в преобразовании культуры быта сельского населения. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – 23с; Ибрагимова М.В. Деятельность коммунистической партии Узбекистана по повышению материального и культурного уровня жизни труженников села (1971-1980 гг.): Автореф. ... дисс.канд.истор. наук. – Киев, 1987. – 25 с.

<sup>5</sup> Мулладжанов И.Р. Народно-население Узбекской ССР (Социально-экономический очерк).. – Ташкент: Узбекистан, 1967.–232с.; Искандеров И.И. Социально-экономическое развитие Советского Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. –264 с; Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Китоб 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 414 б; Эгамов Э., Меҳмонов С. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммо ва ечимлар. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 144 б.

<sup>6</sup> Боровков И.И. Развитие жилищного строительства в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – 206 с.; Каланов Б.З., Каланова Л.З. Проблемы развития жилищно-коммунального хозяйства. На материалах Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1984.-151 с.

<sup>7</sup> Заидов М.А. Проблемы социального развития в Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 194 с.; Очилов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 162 б.

<sup>8</sup> Шадманова С. Тарихий тадқиқотлар методологияси ва замонавий усуллари. Дарслик. – Тошкент: Barkamol fauz media, 2018. – 216 б; Шадманова С., Юлдашев М. Тарихий тадқиқотларнинг методологияси ва замонавий усуллари. Тошкент: «O‘zbekiston», 2019. – 320 б.

<sup>9</sup> Бегматов О. Қишлоқда социал сиёсат масалалари. – Тошкент: Меҳнат, 1999. - 128 б.

худудларидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар ёритиб ўтилган. Жумладан, Р. Шамсутдиновнинг ўқув қўлланмасида 1960–1980-йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти масалалари қаторида ўзбек қишлоқларидаги уй-жойлар аҳволи, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолининг моддий аҳволи, қишлоқлардаги тиббий хизмат, экологик аҳволи каби масалалар республика мисолида умумий тарзда ёритилган ва ижтимоий тангликнинг кучайиб бориш сабаблари очиб берилган<sup>12</sup>. Д. Бобожоновнинг тадқиқоти 1970–1980-йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар масаласига оид бўлиб, унда ўзбек халқининг кундалик ҳаётига оид айрим жиҳатлар ҳам очиб берилган<sup>13</sup>. О. Комилов тадқиқотида қишлоқлардаги ичимлик суви муаммолари<sup>14</sup>, Г. Раҳимова тадқиқотида эса Фарғона водийси қишлоқларидаги аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар ёритилиб берилган<sup>15</sup>.

Учинчи гуруҳга мансуб хорижий тадқиқотларда кундалик ҳаёт тарихи йўналиши 1980-йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Тарих илмининг мазкур соҳаси ривожланишда В.Ульрих<sup>16</sup> ва А. Людке<sup>17</sup> муҳаррирлиги остида нашр этилган китоблар муҳим ўрин тутди. Мазкур илмий тадқиқотларда аҳоли барча қатламларининг кундалик ҳаёти тарихи ёритилиб берилган. Совет иттифоқи аҳолисининг кундалик ҳаёт тарихига доир қатор илмий ишлар ҳам нашр этилган бўлиб, улар сирасига С.Коткин<sup>18</sup> ва Ш.Фицпатрик<sup>19</sup> каби тадқиқотчиларнинг ишларини киритиш мумкин, улардан тадқиқотда методологик нуқтаи назардан фойдаланилган.

Умуман олганда, мазкур йўналиш илмий йўналиш сифатида эндигина ривожланиб бормоқда. Аммо Фарғона водийси тарихини ёритишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамадан, уларда ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги қишлоқ аҳолиси кундалик ҳаётининг фақат айрим жиҳатлари қисман акс эттирилган, холос. Муаммонинг тарихшунослик таҳлили кўрсатиб турганидек, Ўзбекистонда кундалик турмуш тарихи

---

<sup>10</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Ўқув-методик қўлланма). – Андижон: “ANDIJON NASHTIYOT-MATBA’A” ОАЖ, 2004. –652 б.; Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Sharq, 2013. – 592 б.

<sup>11</sup> Маврулов А.А. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: Умумий ҳолати. Муаммолар. Тараққиёт йўналишлари (70-йиллар ўрталари – 1990 й.): Тар.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 254 б.

<sup>12</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Ўқув-методик қўлланма). – Андижон: “Andijon Nashtiyot-Matbaa” ОАЖ, 2004. – Б. 556-582.

<sup>13</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80-йиллар мисолида). Умум таълим мактаблари ўқитувчилари учун қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.

<sup>14</sup> Комилов О.К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.): Тар.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2017. – 265 б.

<sup>15</sup> Раҳимова Г.С. ХХ аср 50 – 90 йиллари Фарғона водийси саноат ривожланишининг экологик ҳолатга таъсири: Тарих фан. фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – 150 б.

<sup>16</sup> Ullrich V. Spuren im Alltag. «Barfusshistoriker» — woher sie kommen und was sie wollen // Die Zeit. 1981. 2. Nov.; Ullrich V. Entdeckungsreise in den historischen Alltag // Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1985. H. 36. – S.403-414.

<sup>17</sup> Ludtke A. The history of everyday life: Reconstructing historical ways of life. – USA: Princeton University Press, 1995. - 336 p.

<sup>18</sup> Kotkin S. Magnetic Mountain: Stalinism as a Civilization. – USA, University of California Press, 1995. – 728 p.

<sup>19</sup> Фицпатрик Ш. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город / Пер. с англ. – Москва: РОССПЭН, 2001. – 336 с.

масаласига доир махсус тадқиқотлар оз бўлиб, бу мавзу бўйича илмий изланишлар олиб бориш тарихшуносликдаги муҳим вазифалардандир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ИТ-34-4-08. – “Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867–1991 йиллар)” тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланиш ҳолати, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

совет даврида қишлоқ жойларда йўллар қурилиши, ичимлик суви, газ, электр тармоқлари ҳамда алоқа воситалари таъминотида юз берган ўзгаришлар ва бу жараёнларнинг аҳоли кундалик ҳаётига таъсирини очиб бериш;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари қишлоқ аҳолисининг даромадлари, даромад манбалари ҳамда сарф-харажатлари мазмунини аҳоли ижтимоий-иқтисодий шароитларини тадқиқ этиш орқали кўрсатиб бериш;

қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ва кундалик маданиятидаги ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

аҳолига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш тизими ва унинг қишлоқ жойларидаги аҳволини ёритиш;

Фарғона водийси қишлоқ аҳолисига савдо ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатилиши масалаларини очиб бериш;

совет даврида қишлоқ экологияси, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш масалаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1960–1980-йилларда Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган\* ва Фарғона вилоятлари қишлоқ аҳолиси кундалик ҳаёти тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қишлоқларда уй-жой инфратузилмаси, ободонлаштириш жараёнлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш динамикаси, ижтимоий муносабатлар ва қишлоқ аҳолисининг бюджети масалалари, ижтимоий-маданий ва таълим муассасалари фаолияти, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг қишлоқ аҳолиси кундалик ҳаётига таъсири масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда тарихийлик тамойили, қиёсий ва микдорий таҳлил усуллари, оғзаки тарих ҳамда микротарих усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

\* 1960 йил 25 январда Наманган вилоятининг асосий қисми Андижон, қисман Фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилган. 1967 йил 18 декабрда Наманган вилояти қайтадан ташкил этилган.

1960–1980-йилларда қишлоқларни янгидан қуриш, колхоз ва совхоз посёлкалари барпо этиш натижасида давлат тасарруфида бўлган маиший хизмат кўрсатиш муассасалари имкониятининг кенгайганлиги каби омиллар туфайли яқка тартибда хизмат кўрсатувчи тадбиркор, уста ва хунармандлар миқдори тадрижий равишда камайиб борганлиги аниқланган;

қишлоқларда газлаштириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизимидаги бошқарув бир нечта ташкилотлар томонидан олиб борилганлиги оқибатида мазкур ишларнинг натижасини мувофиқлаштириш сусти бўлганлиги ва натижада барча қишлоқларни ижтимоий инфратузилмалар (газ, ичимлик суви, алоқа воситалари) билан таъминлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги очиб берилган;

Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси даромадларининг шаклланишида томорқа хўжалиги етакчи ўрин тутгани аниқланиб, қишлоқ меҳнатқашларининг кўшимча даромад манбаларининг асосий шакллари (томорқадаги узумчилик ва мевали дарахтлар, полизчилик ва сабзаёт экинлари, чорва моллари парвариши, косибчилик, дурадгорлик, кулолчилик, касаначилик каби уй хунармандчилиги турлари) кўрсатиб берилган;

Фарғона водийси қишлоқларида хомиладор аёллар ва болалар ўлими динамикасининг собиқ Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан юқорига кўтарилиб бориши омиллари – қишлоқларда малакали тиббий ҳодимларнинг етишмаслиги, тиббий муассасалар моддий техник базасининг қоқоқлиги ва бунга мувофиқ равишда тиббий хизматнинг паст даражаси ҳамда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб боргани алоҳида туманлар мисолида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** шу билан белгиланадики, давлат ва жамоат бошқаруви органлари учун ижтимоий-маиший характердаги масалаларни ишлаб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** диссертацияда кўйилган масалалар 1960–1980-йилларда Фарғона водийси аҳолисининг кундалик ҳаётига доир архив ҳужжатлари, жумладан, республика<sup>20</sup>, Андижон<sup>21</sup>, Наманган<sup>22</sup> ва Фарғона<sup>23</sup> вилоят архив фондларидаги ҳужжатлар, статистик маълумотлар<sup>24</sup> ҳамда даврий матбуот материаллари<sup>25</sup> асосида тадқиқ

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-90-фонд, Р-93-фонд, Р-94-фонд, Р-96-фонд, Р-217-фонд, Р-837-фонд, Р-2007-фонд, Р-2182-фонд, Р-2454-фонд, Р-2487-фонд, Р-2698-фонд, Р-2806-фонд; Ўзбекистон Илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар Миллий архиви (Ўзбекистон ИТТХ МА). Р-40-фонд, Р-62-фонд.

<sup>21</sup> Андижон вилоят давлат архиви (Андижон ВДА). 522-фонд, 611-фонд.

<sup>22</sup> Наманган вилоят давлат архиви (Наманган ВДА). 80-фонд, 233-фонд, 451-фонд, 832-фонд, 836-фонд, 862-фонд.

<sup>23</sup> Фарғона вилоят давлат архиви (Фарғона ВДА). 566-фонд, 747-фонд, 1040-фонд, 1122-фонд, 1124-фонд, 1125-фонд, 1126-фонд.

<sup>24</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1980. – 199 с; Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Краткий статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – 182 с.

<sup>25</sup> Автомобильный транспорт, Вестник связи, Ёш ленинчи, Киномеханик, Коммунист, Коммунист Узбекистана, Мухбир, Наманган ҳақиқати, Правда Востока, Строительство и архитектура Узбекистана,

этилгани ва водий қишлоқлари аҳолиси орасида ижтимоий сўровномалар<sup>26</sup> ўтказилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аввало, 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихига оид материаллар даврий изчилликда, муаммовий ёндашув асосида таҳлил қилинди, уларнинг сабаб ва оқибатлари аниқланди ҳамда тегишли хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келтирилган материаллар ва хулосалар совет даврида қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаётига доир илмий тадқиқотлар олиб боришда, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ижтимоий ва иқтисодий фанлар бўйича махсус курслар ташкил этишда ҳамда ушбу ўқув курсларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XX асрнинг 60–80-йилларидаги Фарғона водийси қишлоқлари аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихига оид ижтимоий, маиший ва маданий ҳаёт масалалари ҳақидаги янги маълумотлардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ва унинг филиалларида экспозицион режаларни тузиш, кўргазмалар ташкил этиш ҳамда экскурсия матнларини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 01-12-10-2523-сон маълумотномаси). Илмий маълумотлар хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг Фарғона водийсида совет ҳокимияти йилларида ўзбек қишлоқларидаги аҳолининг кундалик ҳаёти тарихига оид янги маълумотларни олишларига асос бўлган;

Фарғона водийси қишлоқ аҳолисига кундалик ҳаётидаги ўзгаришларга оид илмий таклифлардан Тарих институтида 2012–2014 йилларда бажарилган “Замонавий ўзбек қишлоғи: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацион жараёнларнинг этносоциологик таҳлили (Фарғона водийси материаллари асосида)” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 25 июндаги 3/1255-1309-сон маълумотномаси). Илмий таклифлар 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисига кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар, аҳоли даромадлари, уй-жой қурилиш, ободонлаштириш

---

Сельское хозяйство Узбекистана, Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, Ўзбекистон коммунисти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Фан ва турмуш, Ферганская правда, Экономика и жизнь.

<sup>26</sup> “XX асрнинг 60–80-йилларида Фарғона водийси қишлоқлари аҳолисининг кундалик ҳаёти” мавзусида сўровнома шаклдаги ижтимоий тадқиқот ўтказилди. Жинсига кўра унда иштирок этганларнинг 63 фоизини эркаклар, 37 фоизини аёллар ташкил қилди. Ёш таркиби бўйича эса 70-80 (31 фоиз), 60-70 (42 фоиз), 50- 60 (22 фоиз), 45-50 (5 фоиз) ёшдаги респондентлар иштирок этдилар. Тадқиқотда респондентларга 110 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 100 таси яроқли деб топилган. Сўровномада мавзуга оид жами 14 та савол ўрин олган эди. Унда водийдаги қишлоқларни танлашда ҳудудий жойлашуви, демографияси, этносоциологик хусусиятлари инобатга олинган.

масалалари, маиший ва тиббий хизмат кўрсатилиши ҳолати, таълим ва маданий муассасалар фаолияти ҳамда қишлоқ аҳолисининг дам олиш масканлари масалалари ёритилган материаллардан фойдаланиш имконини берган;

Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг даромади ва қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш масалаларига доир илмий хулоса ва натижаларидан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2020 йил 5 февраль куни эфирга узатилган “Такдимот” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” davlat unitar korxonasi 2020 йил 13 февралдаги 02-40-360-сон маълумотномаси). Такдим этилган материаллар кўп сонли телетомошабинларда 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқларида яшаган аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлишга хизмат қилган;

1960–1980-йилларида Фарғона водийси қишлоқларида тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатларига оид илмий хулоса ва натижаларидан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2020 йил 25 февраль куни эфирга узатилган “Табобат тарихи” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” davlat unitar korxonasi 2020 йил 28 февралдаги 02-40-469-сон маълумотномаси). Натижада, кўп сонли телетомошабинлар Фарғона водийсида қишлоқларида мазкур даврда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, қишлоқ аҳолиси ўртасида кенг тарқалган юқумли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш масалалари тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлдилар.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика, 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 19 та иш эълон қилинган. Жумладан, тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган даврий нашрлардаги 9 та, хусусан, республика журналларидаги 6 та ва халқаро нашрлардаги 3 та илмий мақолаларда акс этган. Шунингдек, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар тўпламларида 10 та тезис ва мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Бундан ташқари, тадқиқотнинг фан ва технологиялар

тараққийетининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар бериб ўтилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли даромади ва қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш муассасалари**» деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфид*а Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг даромади ва ижтимоий таъминот масалалари таҳлил қилинган. 1960–1970-йилларда қишлоқ аҳолиси даромадининг ўсиши қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига боғлиқ бўлган<sup>27</sup>. Бошқача айтганда, колхоз ва совхозларда аҳоли даромади ҳар бир ишчининг бир кунда қанча миқдорда пахта маҳсулотлари етиштиришига боғлиқ бўлган<sup>28</sup>. 1960-йилларда колхозчиларнинг кунлик меҳнатига ҳақ тўлаш 6 та разряд асосида амалга оширилиб, 1-разрядга – 1 сўм 72 тийин, 2-разрядга – 1 сўм 91 тийин, 3-разрядга – 2 сўм 15 тийин, 4-разрядга – 2 сўм 46 тийин, 5-разрядга – 2 сўм 72 тийин, 6- разрядга – 3 сўм 10 тийин тўланган. 6-разряд бўйича иш ҳақи колхозда ер чопиқ қилганларга ва сувчиларга берилган. Колхоз дала шийпонларидаги ошпазларга 2 разряд бўйича кунлик 1 сўм 91 тийин ҳақ белгиланган. Пахта йиғим-терими учун 1960 - йилларда 1 кг терилган пахтага 3 тийиндан ҳақ тўланган<sup>29</sup>. 1965 йилда битта колхозчининг кунлик иш ҳақи ўртача 3 сўм 28 тийин ёки ойлик маоши 70 сўм 50 тийин бўлган бўлса, 1975 йилда кунлик иш ҳақи 4 сўм 60 тийинга ёки ойлик маоши 96 сўмга етган<sup>30</sup>. 1979 йилга келиб разрядлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ўсган. Масалан, 6-разряд бўйича механик-ҳайдовчиларининг иш ҳақи кунлик смена меъёрини бажарганлиги учун 5 сўм 82 тийин этиб белгиланган<sup>31</sup>. 1980 йилларда қишлоқ аҳолиси ойлик иш ҳақи деярли ўзгармаган<sup>32</sup>.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси даромадларининг шаклланишида томорқа ўзига хос ўрин тутган ва томорқа хўжалигидан олинадиган даромад салмоғи юқори бўлган. Биз томонимиздан олиб борилган сўровномада “Қандай кўшимча даромадларингиз бўлган?” деган саволга фикр сўралганларнинг 72 фоизи шахсий томорқа хўжалиги ва чорва моллари парваришидан, 21 фоизи эса “хунармандчилик” деб жавоб берган. Аҳоли шахсий томорқа

---

<sup>27</sup> Хасанов М. Расширять и совершенствовать торговлю на селе // Коммунист Узбекистана. –Ташкент, 1970. - №7-9. – С.42.

<sup>28</sup> Собиров И. Оплата труда колхозников в хлопководстве и пути ее совершенствования (на примере колхозов Наманганской области): Автореф. ... дисс. канд. эконом. наук. – Ташкент, 1977. – С. 3-21.

<sup>29</sup> Андижон вилояти Пахтаобод тумани, Уйғур ҚФЙ, собиқ “Москва” колхози ҳисобчиси Орипов Исмоилжон билан шахсий суҳбат материаллари. 1949 йилда тузилган (Пахтаобод тумани, Уйғур қишлоғи, Тўққизбоғ МФЙ, 143-уй). 2019 йил 5 декабрь.

<sup>30</sup> Хазраткулов А. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана (1966-1975 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1982. – С. 27-28.

<sup>31</sup> 1979 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш даврида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида. – Тошкент, 1979. – Б. 1-9.

<sup>32</sup> Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Краткий статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 124.

хўжаликларида помидор, картошка, маккажўхори, карам, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар етиштирган. 60 фоиз аҳоли ушбу маҳсулотларни шахсий эҳтиёж учун ишлатган, 36 фоизи эса кундалик эҳтиёждан ҳам ошириб, бозорда сотган. Бундан кўришиб турибдики, шахсий томорқа хўжалиги қишлоқ аҳолисининг кўшимча даромад манбаи ҳисобланган. Кўшимча даромад манбаи “хунармандчилик” деб жавоб берганлар асосан хунармандчиликнинг косибчилик, дурадгорлик, касаначилик, кулолчилик каби турлари билан шуғулланган ва маҳсулотларини бозорларда сотган, уларга талаб катта бўлган. Кўп ҳолатларда хунармандлар шахсий буюртмаларни бажарган.

1990 йилда Фарғона вилоятидаги меҳнатга лаёқатли 1060 минг кишидан 716.2 минг киши халқ хўжалигида, 240 минг киши эса шахсий томорқа ва уй хўжалигида банд бўлган. 1990 йилда битта колхозчи оиласи ёрдамчи хўжалигидан оладиган ўртача даромад 1059 сўмни ёки оила жами даромадининг 20 фоизини ташкил қилган<sup>33</sup>.

Совет даврида пенсия\* ва нафақалар\*\* ижтимоий таъминотнинг муҳим шакли бўлиб, у қишлоқ аҳолиси турмушига бирмунча фаровонлик олиб келган<sup>34</sup>. 1960-йилларнинг бошида колхозлараро советлар ташкил қилиниб, улар қишлоқ хўжалиги артеллари аъзоларига пенсия тўлашни амалга оширган. 1963 йилда республикада 33 та шундай советлар фаолият олиб борган. Жумладан, Фарғона вилоятида 30 та колхозни ўзида бирлаштирган 3 та, Андижон вилоятида 52 та колхозни бирлаштирган 6 та колхозлараро советлар мавжуд эди. Улар пенсияни почта орқали эгаларига етказиб берган<sup>35</sup>. Фарғонадаги баъзи колхозларда 3-8 сўм ҳамда Андижон вилоятида 5 сўм пенсия тўланган. Пенсияларнинг вақтида тўланиши колхозларнинг моддий аҳволи билан боғлиқ бўлган<sup>36</sup>.

Пенсия тайинлаш бўйича Фарғона водийсидаги вилоятларда аҳоли томонидан турли мазмундаги ариза ва шикоятлар берилган. Жумладан, 1962 йил январидан то 1963 йил январигача Андижон вилояти аҳолисидан 1859 та ариза ва шикоятлар берилган<sup>37</sup>.

1983 йил охирларида 1 ёшгача фарзанди бўлган 36 минг нафар аёл колхозчига нафақа белгиланган. Жумладан, Фарғона вилоятида 9,4 минг нафар, Андижон вилоятида 5,8 минг нафар, Наманган вилоятида 4,8 минг

---

<sup>33</sup> Бозор иқтисодиётида иш билан бандлик муаммоси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 1992. –№2. – Б. 45.

\* Фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва одатда, умрбод тўланадиган тўловлар. Ижтимоий таъминот шакли ҳисобланади.

\*\* Муҳтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам пули. Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажига кўра бериладиган пенсиялардан фарқли ҳолда нафақа давлат томонидан, асосан, болаликдан ногирон, ёлғиз қария ва ёлғиз ногиронларга, меҳнатга вақтинчалик қобилиятсизларга, ҳомиладор ва туққан аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалари тарбияси билан банд бўлган аёлларга, ишсизларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳамда бошқаларга берилади.

<sup>34</sup> Эгамов Э., Меҳмонов С. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммо ва ечимлар. –Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 5.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-96-фонд, 2-рўйхат, 1811-иш, 82-варак.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-96-фонд, 2-рўйхат, 1811-иш, 81-варак.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-96-фонд, 2-рўйхат, 1811-иш, 117-варак.

нафар, Тошкент вилоятида 3,5 минг нафар колхозчи аёлга шундай нафақа белгиланган эди<sup>38</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфид*а Фарғона водийси қишлоқларида аҳолига савдо ҳамда овқатланиш хизмати кўрсатиш жараёнлари очиб берилган. 1960–1980-йилларда қишлоқ аҳолисига бозорлар, дўконлар ва умумий овқатланиш муассасалари хизмат кўрсатган. Мазкур даврда қишлоқ ҳудудларида савдо хизматларининг ривожланиши колхоз ва совхозларда қурилган савдо дўконлари ва савдо муассасаларининг сонига бевосита боғлиқ эди<sup>39</sup>. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, вақти-вақти билан қишлоқ аҳолисининг сотиб олаётган маҳсулотлар тури ўзгариб турган. Жумладан, 1950-йилларда аҳоли асосан кундалик турмушда керак бўладиган туз, хўжалик совуни, гугурт, керосин каби маҳсулотларни кўпроқ сотиб олган бўлса, 1960-йилларнинг охирида мебел, музлаткич, телевизор, тикув машинаси каби молларга талаб ошган<sup>40</sup>.

1970 йилда қишлоқ ҳудудларида савдо айланмаси 1965 йилга қараганда 45 фоизга ошган<sup>41</sup>. Масалан, 1968-1970 йилларда Фарғона вилояти Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) районида савдо ва умумий овқатланиш муассасалари сони 28 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 356 тани ташкил этди. Хусусан, 5518 нафар аҳолиси бўлган Ахшак қишлоқ совети ҳудудида 10 та магазин бўлиб, 1000 аҳолига 4 нафар сотувчи ва умумий овқатланиш муассасаларида 8 та ўрин тўғри келган. 6183 нафар аҳолига эга бўлган Гулистон қишлоқ советида 9 та магазин савдо хизмати кўрсатиб, ҳар минг кишига 3 нафар сотувчи ва умумий овқатланиш муассасаларида 11 та ўрин тўғри келган<sup>42</sup>.

Шундай бўлса-да, қишлоқ аҳолисининг истеъмол хариди шаҳарлардагидан орқада қолаётган эди. 1975 йилда чакана савдо айланмаси шаҳарларда аҳоли жон бошига 800 сўмни, қишлоқда эса 364 сўмни ташкил қилган<sup>43</sup>.

Биз томонимиздан ўтказилган сўровномада “Сиз қишлоқдаги савдо хизмати фаолиятини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 70 фоизи савдо хизматини қониқарли деб жавоб беришган. Бирок, 82 фоиз аҳоли бу хизматдан фойдаланиш учун 3 километр, 12 фоизи эса 3-5 километр масофага боришга мажбур бўлганликларини билдиришган. Архив манбалари ҳам мазкур маълумотларни тасдиқлайди. Жумладан, архив ҳужжатларига кўра, 1970-йилларда Наманган вилояти қишлоқ аҳолиси қишлоқ

<sup>38</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-93-фонд, 15-рўйхат, 5226 а-иш, 39-варак.

<sup>39</sup> Иброҳимов Р. Қишлоқ савдосининг муҳим проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. –Тошкент, 1967. - №5. –Б. 73-74.

<sup>40</sup> Хасанов М. Расширять и совершенствовать торговлю на селе // Коммунист Узбекистана. –Ташкент, 1970. - №7-9. – С. 43.

<sup>41</sup> Хасанов М. Расширять и совершенствовать торговлю на селе // Коммунист Узбекистана. –Ташкент, 1970. - №7-9. – С. 42.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2454-фонд, 6-рўйхат, 2019-иш, 55-варак.

<sup>43</sup> Баратова М., Каримова Т., Муҳиддинов Ф. Турмуш даражасининг яқинлашуви // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 1977. -№2. – Б. 11.

магазинларида энг зарур товарлар бўлмаганлиги сабабли маҳсулотларни сотиб олиш учун ўнлаб километр жойга бориб-келишига тўғри келган<sup>44</sup>.

1970-йилларда Фарғона водийсида баҳорги дала ишлари вақтида қишлоқ аҳолисига кўчма дўконлар ҳамда автолавкалар ҳам хизмат кўрсатган<sup>45</sup>. Мазкур савдо шаҳобчаларда 1980-йиллар бошида буханка нон 16-25 тийин, батон 13 тийин, оби нон 6-11 тийин ҳамда патир 18 тийин бўлган<sup>46</sup>.

1960 йилда Ўзбекистоннинг 140 та совхозидан 237 та ошхона ҳамда 330 та буфет ва чойхоналар фаолият юритган<sup>47</sup>. 1970-1980 йиллар оралиғида эса қишлоқ жойларда умумий овқатланиш муассасаларининг савдо айланмаси олти бараварга ўсган<sup>48</sup>. Ошхоналарда овқатланувчи ишчи ва хизматчилар сони ошиб борган. Дала шийпонларида ишлар қизғин пайтда иссиқ овқат ташкил қилинган. Матлубот кооперациялари совхозларда умумий овқатланиш муассасаларидан ташқари нонвойхоналар, магазинлар ва маиший хизмат муассасалари ишини йўлга қўйган<sup>49</sup>. Шундай бўлса-да, совхозлардаги ошхоналар тармоғи етарли эмас эди. Умумий овқатланиш муассасалари асосан қишлоқ марказларида ташкил этилган. Ошхоналар музлаткичлар, технологик асбоб-ускуналар ва идишлар билан яхши таъминланмаганлиги қишлоқ ҳудудларда овқатланиш хизмати кўрсатишга ҳалақит қилган. Бундан ташқари, ошхоналар ташкил қилишда ижара ҳақи ва электр энергия ҳақи юқорилиги мазкур соҳа ривожланишига салбий таъсир этган<sup>50</sup>.

Ушбу бобнинг *учинчи параграфида* ҳаммомлар, сартарошхоналар, таъмирлаш устахоналари ва кимёвий тозалаш муассасалари каби маиший хизмат кўрсатиш соҳалари таҳлил қилинган. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг ҳамда ижтимоий ҳаётнинг муҳим бўлаги бўлиб, аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

1960 йилда Ўзбекистонда аҳолининг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ялпи вақт сарфи камайиб, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари хизматидан фойдаланиш кўпая бошлаган<sup>51</sup>. Хусусан, мазкур йилда Андижон вилоятидаги 229 та колхоздан 170 тасида маиший хизмат кўрсатиш муассасаси мавжуд бўлган<sup>52</sup>. 1959-1960 йилларда кўпгина қишлоқларда бир йилда жон бошига 50-70 тийинлик маиший хизмат кўрсатилган<sup>53</sup>. 1961 йили Андижон вилоятида 480 та маиший хизмат муассасаси ҳамда устки кийимлар ва оёқ кийимлари тикиш ва таъмирлаш устахоналари фаолият юритган бўлса, 1977 йилга келиб уларнинг сони 1623 тага етди, уларнинг 1127 таси қишлоқларда

<sup>44</sup> Наманган ВДА, 80-фонд, 3-рўйхат, 785-иш, 22-24-варақлар.

<sup>45</sup> Наманган ВДА, 80-фонд, 3-рўйхат, 818-иш, 3-варақ.

<sup>46</sup> Наманган ВДА, 233-фонд, 1-рўйхат, 815-иш, 15-19-варақлар.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 304-иш, 271-варақ.

<sup>48</sup> Қишлоқ турмуши маданиятини ошириш ва коммунистик тарбия // Ўзбекистон коммунисти. –Тошкент, 1979. -№12. – Б. 23

<sup>49</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 304-иш, 271-варақ.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 304-иш, 272-варақ.

<sup>51</sup> Абдурашидов Б. Маиший хизмат ва унинг истикболи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. - Б. 5.

<sup>52</sup> Бешимов Р. Социальные преобразования на селе. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 52-53.

<sup>53</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-837-фонд, 39-рўйхат, 552-иш, 107-108-варақлар.

ташкил этилган эди. Бундан ташқари, 1982 йилда Андижон вилоятидаги дала шийпонларида аҳолига хизмат кўрсатувчи 3-4 турдаги доимий хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этилган<sup>54</sup>.

1966 йилда Фарғона вилояти аҳолисига маиший хизматнинг 50 тури кўрсатилган бўлса, 1970 йилда ушбу хизмат тури 300 тага етган<sup>55</sup>. 1965 йилда Фарғона вилоятида маиший хизмат кўлами 4498 минг сўмни ташкил этиб, ундан 1511 минг сўми қишлоқ аҳолисига тўғри келган. Ушбу кўрсаткич 1970 йилда вилоят қишлоқларида 2 баробардан зиёдга кўпайган. 1965-1970 йиллар орасида вилоятда маиший хизмат турлари ичида энг катта ўсиш кир ювиш (11 баробар), яқка тартибда оёқ кийим тикиш (8,5 баробар) ҳамда кийимларни кимёвий тозалаш хизматида (3,5 баробар) кузатилган<sup>56</sup>.

Наманган вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 1968 йилда республикада 5-ўринни эгаллаган бўлса, 1974 йилда Тошкент вилоятидан кейин республикада 2-ўринни эгаллаган. Бундан кўриниб турибдики, Наманган вилоятида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Фарғона ва Андижон вилоятларига қараганда анча юқори бўлган. 1974 йил биринчи ярмида Наманган вилоятида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми 5 сўм 87 тийинни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 5 сўм 14 тийинни, Андижон вилоятида 5 сўм 4 тийинни ташкил этган<sup>57</sup>.

Аҳолининг ҳаммомлар билан таъминланиш даражаси ниҳоятда паст эди. Хусусан, 1960-йилларда Андижон вилоятининг 106 та колхозиди коммунал ҳаммомлар бўлмаган<sup>58</sup>. 1970-йилларда ҳам қишлоқ ҳудудлари тўлиқ ҳаммомлар билан таъминланмаган эди. Масалан, 1978 йилда Наманган вилояти колхоз ва совхозларида соатига 3000 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлган 81 та ҳаммом бўлиб, улардан 14 таси совхозларда жойлашган эди. Вилоятнинг 7 та совхозиди ва 17 та колхозиди ҳаммом бўлмаган<sup>59</sup>. 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқларида яшаган аҳоли вакиллари ўртасида сўровнома ўтказганимизда, уларнинг аксарият қисми ҳаммомлар хизматидан қониқиш ҳосил қилмаганлигини билдирган.

**«XX асрнинг 60–80- йилларида Фарғона водийси қишлоқларида аҳолининг яшаш шароитидаги ўзгаришлар»** номли иккинчи бобнинг *биринчи параграфиди* қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилиши, сув таъминоти ва газлаштириш масалалари хронологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

1968 йил сентябрь ойида СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг “Қишлоқда қурилишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон қишлоқларида янги совхоз ва колхоз посёлкалари ташкил этиш, эски қишлоқларни қайта қуриш ва унинг маиший, уй-жой шароитини шаҳарга яқинлаштириш бўйича ишлар амалга оширилган. Жумладан, Андижон вилояти “Маданият” совхозиди 1 ва 2

<sup>54</sup> Хасанова Д.Д. Повышение культуры производственного быта сельских труженников Узбекистана в условиях развитого социализма: Дисс. ... канд. философ. наук. – Ташкент, 1982. – С.104.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 2379-иш, 42-варақ.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 2379-иш, 44-варақ.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 3454-иш, 24-варақ.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-837- фонд, 39-рўйхат, 552-иш, 107-108-варақлар.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 8464-иш, 49-50-варақлар.

каватли уйлар қурилиши учун лойиҳалар ишлаб чиқилган<sup>60</sup>. 1970-йилларда қишлоқларда уй-жой қуриш ривожланади. Масалан, 1977 йилда Фарғона вилоятида уй-жой қурилиш комбинати томонидан 67 минг кв.м. уй-жойлар қурилган бўлса<sup>61</sup>, 1978 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги қишлоқларда 224 та тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган<sup>62</sup>.

Республика қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланиши вилоятлар бўйича турлича бўлган. Хусусан, Наманган ва Фарғона вилоятларида 1981-1985 йилларда уй-жой фондининг ўсиши аҳоли ўсиши суръатидан орқада қолганлиги сабабли пасайиб кетган. Шу боис қишлоқларда яқка тартибдаги қурилиш умумий қурилишнинг катта қисмини ташкил этган. Жумладан, қишлоқлардаги уй-жой фондининг 83 фоизи шахсий уйлардан иборат эди. Агар буни Наманган вилояти, Чуст райони мисолида таҳлил этадиган бўлсак бу манзара яққол кўзга ташланади. 1986-1989 йилларда ер участкаси сўраб мурожаат этган оилаларга 147 гектардан зиёд ер ажратиб берилган. Аҳолининг аксар қисми уй-жой қурилишларини банкдан қарз олиш ҳисобига амалга оширган. Масалан, 1986-1987 йилларда 162 киши 221 минг сўмлик узоқ муддатли ссуда олган бўлса, 1988 йилда 240 киши 562 минг сўмлик узоқ муддатли қарз олиб қурилиш қилган<sup>63</sup>.

Ўрганилаётган даврда Фарғона водийси қишлоқларида янги турдаги коттежлар билан биргаликда ушбу ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимларини ҳам барпо этиш мақсадга мувофиқ деб топилган<sup>64</sup>. 1960-йиллар бошида водий қишлоқ аҳолисининг 70 фоизи истеъмол учун очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланган<sup>65</sup>. Фақат Фарғона вилоятида ичимлик суви билан таъминланган қишлоқ аҳолиси 6,7 фоизни ва Андижон вилояти эса 2,9 фоизни ташкил этган<sup>66</sup>. Масалан, 1966 йилда Фарғона вилояти, Олтиариқ районидаги 12 та колхоздан фақат 5 таси ичимлик суви билан таъминланган<sup>67</sup>. Бу маълумотлар бутун республикада бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати яхши бўлмаганлигини кўрсатади. Фарғона водийси қишлоқларида олиб борган сўровномамизга кўра, 1980-йилларга келиб қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминоти йўлга қўйила бошланган.

1960-йилларда Ўзбекистон ССР қишлоқларидаги тураржойларни 24 фоизга газлаштириш кўзда тутилган бўлиб, бу етарли эмас эди<sup>68</sup>. Масалан, 1968-1970 йилларда Варзак қишлоқ советида 764 та хўжалиқдан 441 таси, Октябрь қишлоқ советида 1681 та хўжалиқдан 1262 таси, Ёзёвонда 976 та хўжалиқдан 848 таси, Хонободда 968 та хўжалиқдан 704 таси

<sup>60</sup> Боровков И.И. Развитие жилищного строительства в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 50.

<sup>61</sup> Вклад Ферганских домостроителей // Экономика и жизнь. – Ташкент, 1977. -№7-12. – С. 41.

<sup>62</sup> Мафтунокор қишлоқлар // Ўзбекистон маданияти, 1978 йил 23 май.

<sup>63</sup> Эралиев Ш. Ҳар бир оилага шинам квартира // Наманган ҳақиқати, 1989 йил 2 июнь.

<sup>64</sup> Бешимов Р. Социальные преобразования на селе. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 52.

<sup>65</sup> Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, Р.62-фонд, 1-рўйхат, 392-иш, 70-варақ.

<sup>66</sup> Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, Р.62-фонд, 1-рўйхат, 394-иш, 48-варақ.

<sup>67</sup> Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, Р.40-фонд, 4-рўйхат, 51-иш, 24-варақ.

<sup>68</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2182- фонд, 5-рўйхат, 759-иш, 92- варақ

газлаштирилган<sup>69</sup>. 1980-йиллар ўрталарида қишлоқлардаги давлат тасарруфидаги уй-жойлар шаҳарлардагига нисбатан марказий сув таъминоти билан 1,7 баробар, канализация тизими билан 2,6 баробар, газлаштириш билан 1,2 баробар кам таъминланган эди<sup>70</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* Фарғона водийси қишлоқларида йўл қурилиши, электр тармоқлари ва алоқа воситаларининг ривожланиши ҳақида фикр юритилади. Аҳоли кундалик ҳаётида йўллар, электр тармоқлари, телефон ва радио каби алоқа воситалари ҳар доим муҳим ўрин тутган. Булар кишилар ҳаёти ва турмуш даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бўлиб, турли ҳудудларда ва шарт-шароитларда яшовчи кишилар ёки жамиятларни бир-бири билан боғлаб туришга хизмат қилади. Шунингдек, йўллар қишлоқ ҳудудларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб, у аҳоли кундалик ҳаётининг ажралмас қисмидир. Қишлоқ ҳудудларида мазкур тармоқнинг ривожланиши аҳоли турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатади<sup>71</sup>.

1960-йиллардан эътиборан Фарғона водийси қишлоқ ҳудудларида йўллар қурилиши жадаллашди. Хусусан, 1968 йил бошида Наманган вилояти колхозлари томонидан 7065 минг сўм қийматга тенг 562,5 километрлик колхозлараро ва колхоз ички автомобиль йўллари қурилди<sup>72</sup>. 1970-йиллар охирида республикадаги колхоз ва совхозлар ҳудудларидаги йўлларнинг узунлиги 8775 км бўлиб, унинг 3949 км. колхозлар ҳудудида ҳамда 4826 км. совхозлар ҳудудида эди. Жумладан, Андижон вилояти совхоз ва колхозларида 446 км, Наманган вилоятида 1295 км, Фарғона вилоятида 980 км. йўллар мавжуд бўлган<sup>73</sup>. Мазкур йўлларнинг қурилиши 1970-йилларнинг охирида автотранспорт соҳасининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган<sup>74</sup>.

1960–1980- йиллар даврий матбуот саҳифаларида қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ ҳудудларида саноатнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда энергия ва электр қуввати билан таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилган<sup>75</sup>. 1960-йилларда Фарғона водийсининг қишлоқ ҳудудларида электрлаштириш ишларини жадал олиб бориш режалаштирилган бўлсада, колхоз ва совхозларда аҳоли яшайдиган ҳудудларни электрлаштириш ишлари барча жойда бир хил бўлмаган. Хусусан, Тўрақўрғон районидаги жами 20 та колхоз ва 2 та совхозда электрлаштириш ишлари 68,8 фоизга, Косонсой районидаги 4 та колхоз, 1 та совхозда 70 фоизга, Учқўрғон районидаги 11 та колхоз, 3 та совхозда 76

<sup>69</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2454-фонд, 6-рўйхат, 2019-иш, 55-варақ.

<sup>70</sup> Каланов Б.З., Каланова Л.З. Проблемы развития жилищно-коммунального хозяйства: На материалах Узбекской ССР. – Ташкент : Узбекистан, 1984. – С. 19.

<sup>71</sup> Мазкур йўналиш бўйича совет даври мутахассисларининг бир қанча тортишувли фикрлари мавжуд. Масалан, қаранг: Бестужев-Лада И.В. Турмуш тарзи хусусиятлари, проблемалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 3-30.

<sup>72</sup> Наманган ВДА, 836-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 1-варақ.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 8472-иш, 246-варақ.

<sup>74</sup> Гаврилов А. Автотранспорт Узбекистана в десятой пятилетке // Автомобильный транспорт. – Москва, 1979. -№10. – С. 13-15.

<sup>75</sup> Баратова М., Каримова Т., Муҳиддинов Ф. Турмуш даражасининг яқинлашуви // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 1977. -№2. – Б. 10.

фоизга, Балиқчи районидаги 8 та колхоз, 1 та совхозда 56 фоизга, Чуст районида 8 та колхоз ва 2 та совхозда 46 фоизга, Янгикўрғон районининг 10 та колхозидида 84 фоизга бажарилган<sup>76</sup>.

Қишлоқ хуудларини телефон алоқа линиялари билан таъминлаш борасидида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 1960-йилларда Андижон вилоятидаги 74 қишлоқ аҳоли пунктларида телефон алоқа станциялар қурилади<sup>77</sup>. 1973 йилга келиб Андижон вилояти совхозларининг 80 фоизидида ва колхозларнинг 63 фоизидида ички телефон алоқалари мавжуд эди<sup>78</sup>. 1970 йилларда мазкур жараёнлар Фарғона водийсининг бошқа қишлоқларида ҳам содир бўлган<sup>79</sup>. Шунингдек, бу даврда мавжуд телефон алоқаларини кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилган. Масалан, 1977 йилда Наманган вилояти, Задарё районидаги “Правда” ва “Комсомол” колхозларида телефон станциялари кенгайтирилиб, 50 номердан 200 номерга етказилган<sup>80</sup>.

Совет даврида радиога муҳим ташвиқот воситалари сифатида қаралган<sup>81</sup>. 1960-йилларда республикада радиоэшиттиришлар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида “советча” кундалик турмуш тарзини оммалаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган<sup>82</sup>. 1967 йилда ЎзССР қишлоқларида 100 нафар аҳолига 12,32 радионукталар тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 14,3, Фарғонада 13,5 ҳамда Наманган вилоятида 11,3 тани ташкил этган<sup>83</sup>.

Шу билан бирга радио эшиттиришлари бу йилларда деярли ҳар бир қишлоқ оиласига кириб борди ҳамда қишлоқ аҳолисининг ахборот олиш ва ҳордиқ чиқариш воситаларидан ҳам бирига айланди.

